


ЧОРВАЧИЛИКДА КОМПЛЕКС БРИГАДАЛАР ВА ЗВЕНОЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ!



Бўка районидagi „Гулистон“ колхози чорвадорларининг чорвачиликни ривожлантиришдаги яхши тадбирларини барча хўжаликларда амалга оширайлик!

Колхоз бosh бухгалтери ўртоқ О. Гизатуллин иқтисодий конференция қатнашчиларига меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини тушунтириб бермоқда.



М. ХАЙДАРОВ,
бригада бошлиғи.

Р. ГАБИДУЛЛИН,
механизатор-звено бошлиғи.

ХАРАЖАТИ ОЗ, ДАРОМАДИ СОЗ

ИҚТИСОДИЙ анализ бюросининг раиси — колхоз бosh бухгалтери Озод Гизатуллин колхоз чорвадорларига, шунингдек Бўка районининг барча хўжаликларидан ва Ўрта Чирчиқ районидан келган ферма мудирлари, зоотехник ҳамда экономистларга хўжалик чорвачилиги қандай юксалтирилганини батафсил гапириб берди.

— Моддий манфаатдорликни оширишда гап кўп, — деди у, — колхозчи қилаётган меҳнати натижасидан қандай манфаат кўришини илб билишдан бошлаб аниқ билиб оласа, маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бўлган ишнинг шунга қараб ташкил этилади. Чорвачиликда ашёно системасини жорий этганимиздан кейин чорвадорларимизга ҳам нарядсиз усулда ҳақ тўлаш йўлга қўйилди. Энди бажарган ишнинг миқдорига қараб эмас, балки тайёрлаган етказиб бериш олача бирлигига эга эканлигига, соғиб олган сутининг миқдори ва мойиллик даражасига, бошқатта молининг сонига қараб эмас, балки семиртишга қараб ҳақ олади. Шундай бўлганда кейин чорвадор ўзи ишнинг асосий йўналишини илгартириб «бир амаллаб кўни кет қилишга» эмас, балки олачи борица кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ва етказиб беришга қарата бошлайди. Ана шу катта заминни бўлган иш тартиби чорвачиликни бир йилнинг ўзидеёқ кескин юксалтириб юборди. Қўйида келтирилган рақамлар ана шу юксалишни равшан ифода этади. Маана қараган, 1966 йилда 1965 йилдагидек ишбеган 42 минг литр сут, 24 минг килограмм гушт, 1 минг килограмм жун, 657 тонна дағал хашак ва 1070 тонна сўлос кўп етиштирилди. Хар бир бош сугирдан илгари йилдаги нисбатан ўртача 260 литр кўп сут соғиб олинди.

Чорвачиликдаги иш жараёнини механизмлар кўмагида бажариш ахши йўлга қўйилганлиги туфайли сарф-харажатлар ҳам кескин камайди. Бурноғ йили хар бир центнер сут етиштиришга 7 сўм 20 тишини пул сарфланган бўлса, бултўр 6 сўм 10 тишини сарфланди. Шу туфайли биргина сут етиштиришнинг ўзига икки минг сўмдан зиёд пул кам сарф қилинди. Илгари хар бир центнер тирик вазнидаги қорамол гушти етиштиришга қарийб 74 сўм сарфланган бўлса, бултўр 64 сўм сарфланди. Бундан сая кам уч минг сўмлик маблағ иқтисод қилиб қолди.

Буларнинг ҳаммаси колхоз чорвачилигини энг негизидан тармоқдан рентабеллик тармоққа айлантирди. 1965 йилда колхоз чорвачиликдан салкам уч минг сўм энг кўрган эди. Ўтган йилнинг ўзидеёқ ана шу энг тўла қопланган ҳолда қарийб 16 минг сўм фойда ҳам кўрилди! Маана — хўжалик ҳисобининг самарасию, звено системасининг ҳолияти!

Ем-хашак етиштириш билан шуғулланувчи звеноларнинг аҳолилар илгириникига тенгнани қўйиштиришга оқшмасдан, чорва озуқасининг тўлиқлигини оширишга астойдил ҳаракат қилишди, бунинг учун икки имкониятларни ишга солишди. Натижа кутилганидан ҳам энгдә бўлиб чиқди. Комплекс чорвачилик бригадаси тузилмасдан олдин хар бир центнер озуқа бирлиги тайёрлаш учун моддий-пул сарфига 9 сўм 13 тишини, меҳнат ҳақиға 6 сўм сарфланарди. Энди бўлса ем-хашак етиштириш ишлари комплекс механизациялаштирилгани туфайли меҳнат ҳақиға 3 сўм 44 тишини, моддий пул сарфига 4 сўм 73 тишини харж қилинди. Натижада йил охирига келиб ем-хашак етиштириш звеноларининг аҳолиларига 5130 сўм қўшимча ҳақ тўланди.

Умуман олганда, чорва маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайиши моддий манфаатдорликни кескин ошириб юборди. Йил охирида

комплекс чорвачилик бригадасининг аҳолиларига ҳаммаси бўлиб 17.5 минг сўмдан ортиқ қўшимча ҳақ олди. Энди пахтакорлар билан чорвадорлар оладиган ҳақ ўртасидаги тафовут бутунлай йўқотилди. 1965 йилда колхознинг хар бир пахтакори ўртача 1267 сўмдан даромад қилган бўлса, хар бир чорвадор 895 сўмдан даромад қилган эди. Бултўр хар бир чорвадорнинг ўртача йиллик даромади 1460 сўмни ташкил этди. Бу даромад пахтакоринингдан ошса ошадиги, кам эмас.

ЗВЕНО СИСТЕМАСИ—АФЗАЛ СИСТЕМА

КОНФЕРЕНЦИЯДА сўзга чиққан чорвачилик бригадасининг аҳолиларига, звено бошлиқлари янги ҳақ тўлаш қандай афзалликларга эга эканлиги туғрисида гапирдилар. Маана, минбарда Меҳнат Қизил Байроқ ордени сугувчи Фотима Норматова:

— Биз сут соғувчилар янги ҳақ тўлаш шартининг афзаллигини қўлга киритдик. Маасалан, менинг ўзимни оладиган бўлсам, ўтган йили боқимиздаги 28 бош сугирнинг хар биридан ўрта ҳисобда 1786 литрдан сут соғиб олдим. Бу пландагидан 586 литр қўшди. Илгари йиллари бунчалик сут соғиб олмас эдим. Сутнинг мойиллик даражаси беш процентга етди. Планини анча ошириб бажарганим туфайли қўйлаб қўшимча ҳақ олдим. Бултўрда даромадим бурноғ йили даромадига қараганда 500 сўм кўп бўлди.

Юбилей йилида тағин ҳам каттароқ ютуқларга эришиш учун астойдил ҳаракат қиламан. Хар бир сугирдан йил охиригача 1800 литрдан сут соғиб олиб, юбилей дастурхонига 50 минг литр сут туҳфа этмоқчиман.

— Молларни қанчалик семиртиганимизга қараб ҳақ тўлана бошлаганидан бери гушта тоштираётган бурдоқларимиз хар қачонгидан ҳам отир тош бошляпти, — деди молбога хар Хайитбой Норматов. — 1965 йилда 1200 сўм даромад қилган бўлсам, ўтган йили 2200 сўм даромад қилдим. Янги ҳақ тўлаш шартининг манга ва мен сингари чорвадорларга ана шундай катта манфаат келтирди.

Молбоқлардаги Хайлар Танжариқов ҳам сўзга чиқиб, звено системаси ва хўжалик ҳисоби туфайли бир йилнинг ўзидеёқ ишлаб чиқаришда жуда катта ютуқларга эришганини иш, бултўрда даромади бурноғ йили даромадига қараганда икки баравар ошиб кетганини туғрисида гапирди. Ёш молларни боқиб ўстириш билан шуғулланувчи звенонинг бошлиғи Сотиболди Йўлдошев бундай деди:

— Бизга 140 бош эш мол бириктиб берилган. Йил охиригача шунинг ярмини асосий подага қўйишга тайёрлашимиз керак. Ҳозир боқимиздаги молларнинг тирик вазнига бир кеча-кундузда 300-400 граммдан вазн қўшилипти. Бизга хар бир килограмм вазн учун 18 тишини харж тўланади. Агар 140 бош молимизни бир кеча-кундузда 300 граммдан семиртсак, 42 килограмм вазнига, йил охиригача эса 15 тоннадан ортиқ вазнига эга бўламиз. Звеномиз аҳолилар юбилей шарафига кўнлик вазни 400 граммга етказиб, йил охиригача 20 тонна вазнига эга бўлиш учун курашмоқдалар.

Ем-хашак етиштирувчи комплекс механизациялашган звенонинг бошлиғи Рафзал Габидуллин ўзининг Т-40 маркали трактори билан асосий иш жараёнини бажариб: агрегатга олма сеносисла ўрнатиб, кўнуга ўн гектардан ортиқ ердаги хашакни ўради, кейин агрегатга грабел ўрнатиб, ўрилган хашакни хар ер, хар ерга йиғди, ундан кейин эса тракторига прицеп тираб хашакни тарамга ташийди. Шу йўлида у ҳозиргача 700 тоннадан ортиқ хашак жамғарди.

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

КОЛХОЗ чорвадорлари эришган бу ютуқлар — янги йўлга қўйилган дастлабки қадамдир, ҳоло. Ҳали ишда бирмунча камчиликлар, ишлаб чиқаришга жорий этилмаган бой резервлар мавжуд. Иқтисодий анализ бюроси ана шу резервларни аниқлаш ва камчиликларни очиб ташлади. Маасалан, ем-хашак етиштириш ва уш молларга едиринишда хали фойдаланилмаган имкониятларни олиб қўрайлик. Дағал хашак ерга соғиб молга едирилганда, унинг кўни нишқўрда чиқиб кетади. Иқтисодий анализ бюроси ана шунинг ўзидеёқ қанча энг келишини ҳисоблаб чиқди. Ўтган йилда чорва молларига 3127 сўмлик дағал хашак сарфланди. Хашак ерга соғиб берилганлиги туфайли моллар унинг кўнини нишқўрда чиқариб юбориб, 2191 сўмлик хашакнинг истеъмол қилди. Шу туфайли 936 сўм ортиқча харажатга йўл қўйилди. Бундан ташқари баъзи бир



Ф. НОРМАТОВА,
сут соғувчи.

ҳолларда дағал хашак майдаланмасдан берилган натижасида унинг ўндан икки қисми нишқўрда чиқиб кетади. Бу алоҳида энг. Озуқанинг таннархини арзонлаштиришнинг ҳам ишга солинмаган резервлари мавжуд. Маасалан, бедани тўрт марта ўриб олinsa, уч марта ўриб олиганига нисбатан унинг тапархн анча арзонлашади. Бунинг учун энгини ўз вақтида сугориб туриш, ўрим-йиғимни тўла механизациялаштириш зарур.

Моддий пул сарфларини камайтириш, механизмларга кетадиган ремонт ва запас қисмлар харажатларини тежай қилишда ҳам катта имкониятлар бор. Маасалан, комплекс чорвачилик бригадасининг икки тракторчиси — Нурмат Отакулов билан Боймоқ Тожибоевларга бир вақтда МТЗ-50 маркали бир хил трактор олиб берилди. Бу икки тракторни олти ой мобайнида сарф-харажатларини тежай-терашга икки хил муносабатда бўлди. Нурмат Отакулов ярим йил давомида ўз тракторига бир сўмлик запас қисм ишлатган бўлса, Боймоқ Тожибоев 40 сўмлик запас қисм сарфлади. Чунки у тракторини авайлаб ишлатишга, вақти-вақтида техник қаровдан ўтказиб туришга эътибор бермади. Маана шу ҳам жуда катта резерв. Агар ем-хашак етиштирувчи звенолардаги 16 тракторининг ҳаммаси ўртоқ Отакуловга ўхшаб ишласа, ярим йилнинг ўзидеёқ 624 сўмни иқтисод қилиб қолган бўларди.

Сут-товар аверосида ҳам ишга солинмаган имкониятлар кўп. Бу ерда сут соғиш устанюваси ва силос минораси ишлатилмаётганлиги туфайли хар йили амортизацияга 931 сўм пул сарф бўлиб кетаяпти. Ана шу пул ҳам сутнинг таннархи устига бориб тушади.

Колхоз чорвачилигида ана шунга ўхшаб юзани қараганда «майда-чуйда» бўлиб кўрилувчи, аммо аслини олганда, жуда катта аҳамиятга эга бўлган резервлар борки, улар тўла ишга солинишни зарур. Иқтисодий анализ бюроси ана шунини алоҳида уқтирди.

СОВЕТ ҳокимиятининг ярим асрлик тўйини барча совет кишилари қатори катта тўнелар билан кутиб олишга астойдил бел боғлаган бу колхознинг азамат чорвадорлари ҳозирга қадар бирмунча катта ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. 1 Май байрамига қадар давлатга гушт сотиш йиллик планини бажаришда халқда талаб рапорти берилган эди. 1 июлда эса ярим йиллик сут сотиш плани 130 процент эди. Энди. Ана шунинг ўзидеёқ ҳам катта фойда кўрилди. Ўтган йили 48 тонна гушт давлатга 58 900 сўмга сотилган эди. Бу йил шунча миқдордаги гушт юқори семазидадан эрта мулдатда сотилганини учун салкам 78 минг сўм даромад келтирди.

Эндиликда чорвадорлар камида 1021 тонна озуқа бирлиги жамғариш унинг хар тонна таннархини 16 сўм 63 тишини тушириш, ем-хашак тайёрлашга сарфланган моддий пул маблағларини 30-35 процентга камайтириш, озуқабон экинларнинг ҳосилдорлигини эса 60-70 процентга ошириш, сут сотиш йиллик планини 1 октябргача бажариш, Ўзг. Октябрнинг 50 йиллиги юбилей қилинадиган шонли кўнуга давлатга пландан ташқари 25 центнер гушт ва 150 центнер сут етказиб бериш мақсадида бутун куч-гайратларини аямал астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Янги йўлда ишларга янгидан-янги зафарлар тилаймиз. «Гулистон» колхозининг азамат, олий хизмат чорвадорлари!

Ш. ШОРАХМЕДОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ—ЮТУҚЛАР КАЛИДИ

БўКА РАЙОНИДАГИ «Гулистон» колхозини — сертармоқ хўжалик. Унинг асосий тармоғи пахтачилик, лекин чорвачилиги ҳам салмоқли ўрин тутди. Олмалиқ шаҳри яқинида жойлашган бу колхоз меҳнатчилари ана-Ватанга қўйлаб «оқ олти» етказиб бериш билан бирга олмалиқчиларни мулк қўл гушт ва сут билан таъминлаш ишига ҳисса қўйишлари керак. Хўжаликнинг пахтачилик соҳаси анча юксалган. Чунки унга меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усуллари, биринчи навбатда звено системаси тўла жорий этилган. Бу прогрессив усуллар колхоз пахтачиликни кейинги қисқа давр ичидеёқ юксалтириб юборди. Пахта ҳосилдорлиги ошди, меҳнат теримининг кўлами кенгайди, бу соҳадан келадиган даромад кўпайди, пахтакорлар ўз меҳнатлари азалига жуда яхши даромад оладиган бўлиб қолдилар.

Лекин колхознинг чорвачилик тармоғи пахтачиликдан анча орқда қолиб кетган эди. Бу тармоққа кўп сарф-харажатлар қилинса ҳам, маҳсулот кам олинди, уларнинг таннархи қимматга тушар, йиллик планлар сурункасига бажарилмай қолар, чорвадорлар олаётган меҳнат ҳақларига қаноат ҳосил қилмас эдилар. Қаноатланмасликка уларнинг ҳақлари бор эди. Негатини, пахтакорлар йилнинг етти-саккиз ойи мобайнида кўнлик ишлаб, мумай-мумай даромад қилишларию, чорвадорлар бўлса кишининг бетинини ишласалар ҳам улардан анча кам ҳақ олаётдилар. Бу ҳол уларни ракинчиб, ҳатто ишдан совута бошладил. Колхозчига «сен фермага бориб ишлайсан» дейилса, у «Яхшиям мен пахтачилликда ишлайверай» дейдиган ҳам бўлиб қолди.

Колхоз правленсиси ва партия ташкилоти, хўжалик активлари ва мутахассислари чорвачиликнинг қодоқлиги сабабларини изчиллик билан ўргана бошладил. Ахир ўзи нима гап? Зотли моллар, яхшигина чорвачилик бинолари, зарур механизмлар, етарли ишчи кучлари бўлса-ю, бу соҳа нима учун оқсаб қолаётди? Чорвачиликдаги иш жараёнининг пухта ўрганиб чиқиши, кишиларнинг юрагига «ең солиб» кўрилиши, ҳисоб-китоблар, анализлар шунинг кўрсатдики, бу тармоқни орқига тортаётган нарса — меҳнатнинг тўғри ташкил этилмагани, моддий манфаатдорлик принципини жорий қилинмаганлиги, чорвачиликнинг асоси бўлган ем-хашак тайёрлашга етарли эътибор берилмаётганлигида экан.

Шундан кейин чорвачиликни кескин ривожлантиришнинг йўл-йўриқлари ахтара бошланди. Фан ютуқларига ва илгирларнинг тажрибаларига мурожаат қилинди. Қалинин районидеёқ Оқунобоев номли колхознинг ҳам маҳсулот, ҳам ем-хашак етиштиришга ихтисослаштирилган комплекс чорвачилик бригадаларининг иш тажрибалари пухта ўрганиб чиқилди. Кейин колхозда ўтган йилнинг бошларида комплекс чорвачилик бригадасини ташкил этилди. Энди бу колхозда Оқунобоев номли колхознинг тажрибаси анча мукамаллаштирилди. Бригада ичидеёқ саникнэ звено тузилди. Бу звеноларнинг тўрттаси беносита чорва маҳсулотлари етиштирди, қолган тўрттаси эса, беда, силос ва бошқа ем-хашаклар тайёрлади. Ем-хашак етиштирувчи звеноларга ишнинг асосий қисминини бажарувчи механизаторларнинг ўзлари бошлиқ қилиб тайинланди. Ҳамма звенолар хўжалик ҳисоби асосида иш бошладил.

Колхоз правленсиси хўжалик ҳисоби принциплари асосида шартнома тузди. Бу шартномага мувофиқ чорвадорларга бажарилган ишнинг ҳажмига қараб эмас, балки таровига қўйилган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига ва бошқа шунга ўхшаб кўрсаткичларга қараб ҳақ тўланганидан бўлди.

Чорвачиликда ташкил этилган звено системаси худди пахтачиликдаги каби одамларнинг меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Дастлабки ойлари якунлангандаёқ хўжалик ҳисоби ва звено системаси қандай афзалликларга эга эканлигини яққол кўрсата бошладил. Колхозда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бирдиганга қўнайиб кетди, сарф-харажатлар кескин камая бошладил, маҳсулот сифати ошди, ем-хашак экинларининг ҳосилдорлиги ортди борди. Одамларнинг қайиғи ҳам яхшиланди. Энди улар ўз меҳнатларида яхши манфаат кўра бошладилар. Шундай қилиб, колхозда комплекс чорвачилик бригадаси ташкил этилган, моддий манфаатдорлик принципини жорий қилинганлиги, чорвачиликнинг асоси бўлган ем-хашак тайёрлашга етарли эътибор берилмаётганлигида экан.

Бу йил хўжаликда иқтисодий анализ бюроси ҳам тузилди. Ун беш кишидан иборат бўлган бу бюро аҳолилар чорвачиликда рўй берган тўб ўғаришларни анализ қила бошладилар, тағин ҳам юксалишга эришиш учун нисмалар қилиш кераклигини белгилла бошладилар, икки резервларни ахтара бошладилар. Яқинда шу бюронинг чорвачиликка бағишланган иқтисодий конференцияси бўлиб ўтди. Колхоз чорвачилиги бир йилнинг ўзидеёқ қандай қилиб юксалтирилганини аниқ билиб олиш учун яхшиш, шу конференцияда сўзга чиққан ўртоқларнинг гапларига мурожаат қилиб қўя қоламиз.



С. ЙҮЛДОШЕВ,
звено бошлиғи.



Н. ТАНЖАРИҚОВА,
сут соғувчи.

А. ХУСАНБОВЕВ,
механизатор-звено бошлиғи.

Д. ҚУЛМУРОДОВ,
чўпон.

